


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
бакалавриат таълим йўналишиининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14 » 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020йил «14 » 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари.....	4
1.2.3.	5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
3.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2.	5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми	8
	Библиографик маълумотлар.....	9

1. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий мuddати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўиалиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўиалиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) – иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолиятининг барча йўналишлари, иқтисодий-хуқуқий ва ташкилий асослари, фаолият тамойиллари, ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлик комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг объектлари:

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек

норизидентларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва таркибий бўлинмалари, илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлик академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари, ўрта маҳсус таълим тизими муассасалари ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган тартибдаги ҳисоб юритиш жараёнлар мажмуаси.

1.2.3. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- молиявий-иктисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида);
- тадбиркорлик.

1.2.4. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Молиявий-иктисодий фаолиятда:

- Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолияти ва у билан боғлик бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий хужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- бизнес-режаларни кўриб чиқиш ва лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;
- молия бозорида воситачилик қилиш;
- мижозларнинг тўловгага қобилятини баҳолаш усулларини қўллаш;
- Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда юридик шахслар соҳасини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;
- Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- ҳисоб маълумотларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимидағи кўрсаткичлар динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятига доир молиявий ва статистик ҳисботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит хизматларини кўрсатишда дастурий комплекслардан фойдаланиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида корпоратив бошқарув тартиб ва тамойилларини билиш;
- молия-банк тизимига доир қонунчиликка мувофиқ бошқарув мезонларини анлаган бўлиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тўғри ташкил қилиш ва самарали бошқаришни амалга ошириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида молиявий бошқарув ва ходимларни бошқариш стратегияларини билиши ва амалиётда қўллай олиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятидаги муаммоларни ечимларини амалиётта татбиқ этиш;
 - бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
 - бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасининг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- тасдиқланган давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув-услубий материаллардан фойдаланган ҳолда умумий ўрта ва касб-хунар таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молиявий-иктисодий фанларидан таълим бериш;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб, ноанъанавий услубларни қўллай олиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- тадқиқот мавзуси доирасида илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни тизимлаштириш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишида) касбий фаолият масалаларини ечиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иктисодий фанлардан назарий-амалий машғулотларни ўtkазish;
- ўқув жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўtkazish учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишида ошириб бориш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар

моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл хисоб' ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганишни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлапи ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- иқтисодий категория ва қонунлар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

- микроиктисодиётнинг асосий категориялари, макроиктисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташки иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўнікмаларини шакллантириши;

- менежмент асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижроси назоратини олиб бориши, бозор ва унга хос қонунлар ва хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўнікмаларига эга бўлиш;

- иқтисодий обьектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ҳамда моделлар ёрдамида ўрганиши;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартлари, усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисботни тузиш кўнікмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

- суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти класификатори ва суғуртанинг норматив асослари, риск трансфери ва трансформацияси ҳамда қоплама тўловчи бўйича суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- солиқ турлари ва уларни ҳисоблаш усулларини билиши;

- аудиторлик текшируванин ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик хulosаси ва ҳисботини тузishi;

- молиянинг мазмун-моҳияти, молиявий муносабатларни самарали ташкил этишининг назарий-амалий жиҳатлари ва уларни бошқариш усулларини билиши;

- пул ва банк назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболини марказий банк ва тижорат банкларининг функционал мақсади ва ташкилий тузилишини билиши, актив ва пассив банк операцияларини қўллай олиши;

- бухгалтерия ишининг назарий, амалий асосларини билиши, бухгалтерия фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш, ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш, молиявий ҳисботларни таҳлил этиш ва уни баҳолаш бўйича малакага эга бўлиш, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш, бухгалтерия операцияларини ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб ишларни юритишни, хўжалик

юритувчи субъектларининг бухгалтерия ҳисоботларини тузиш ва уларни таҳлил этишни билиши;

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида корхоналарниг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва уларни халқаро аудит стандартлари асосида текширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- меъёрий-хуқукий ҳужжатларни излаш, таҳлил килиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўнимкамларига эга бўлиш.

2.3. Касбий квалификациялар: бухгалтер, бухгалтер-кассир, бухгалтер-ревизор, бухгалтер-эксперт, аудитор, бош аудитор, бош бухгалтер, бош бухгалтер-эксперт, бош кассир, контролер-ревизор, бош ревизор, статист, экономист, бош мутахассис, бош экономист, давлат солик инспектори, дилер, менежер квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва файлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов ғанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графики, хафталар кесимида ўқиш вакти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар ғанлар”, “Умумкасбий ғанлар”, “Ихтисослик ғанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, ғанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов ғанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташкири ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача килиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

бухгалтерия ҳисоби предмети, бухгалтерия ҳисобининг объектлари, бухгалтерия ҳисобида баҳолаш, бухгалтерия ҳисобининг счёtlари, хўжалик жараёнлари, таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, ҳужжатлашириш, инвентаризация, икки ёқлама ёзув, баланс, ҳисбот, актив, пассив, дебет, кредит, сальдо, сторно, асосий восита, номоддий актив, амортизация, иқтисодий таҳлил, иқтисодий таҳлилнинг обьекти ва субъектлари, иқтисодий таҳлил предмети, иқтисодий таҳлил усуллари, иқтисодий таҳлил принциплари, иқтисодий таҳлил турлари, самарадорлик, молиявий ҳолат ва молиявий натижা, баланс ликвидлиги, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, рентабеллик, пул оқимлари, ҳусусий капитал, ҳисбот, аудит, аудиторлик фаолияти, аудитнинг профессионал хизматлари, ташки аудит, ички аудит, аудиторлик хуносаси, аудиторлик ҳисботи, аудиторлик далиллар, таҳлилий амаллар, аудиторлик танлаш, аудитор малака сертификати, аудитнинг ахлоқий талаблари, аудиторлик таваккалчилиги, ички назорат тизими, муҳимлик даражаси, молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари, ҳалқаро аудит стандартлари.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент молия институти

Ректор в.в. С.У.Мехмонов

М.Ү.



202_ йил « _____ »

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министри
ривожлантириш таъкидотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор

М.Ү.

202_ йил « _____ »

З.Т.Хакимов

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

К.А.Шарипов



202_ йил « _____ »

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар
Палатаси Кенгаш Раиси

М.Раис



202_ йил « _____ »

Н.Ф.Каримов

М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар
ва аудиторлар Милдий ассоциацияси
Кенгаш Раиси

М.М.Тулаходжаева

202_ йил « _____ »

М.Ү.



Тошкент молия институтининг 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
(тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишини малака талабини
ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ” 2020 й.

Биз, қўйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси Кенгаш Раиси Н.Ф.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси Кенгаш Раиси М.М.Тулаходжаева ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Мехмонов, мазкур келишув далолатномасини қўйидагилар ҳақида туздик:

1. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишида турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-үқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.


3. 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиши мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда мазкур малака талабини ўкув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси
Аудиторлар Палатаси
Кенгаш Раиси


N.F.Karimov

Ўзбекистон Республикаси
Бухгалтерлар ва аудиторлар
Миллий ассоциацияси
Кенгаш Раиси


M.M.Тулаходжаева

Тошкент молия институти

ректори в.в.б.
С.У.Мехмонов



Тошкент молия институтида тайёрланаётган

**5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши
учун**

**янгидан яратиладиган мәлака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилик
касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий мәлака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий мәлака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
	5230900	“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none">- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида фаолиятни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фантехника ютуқларини, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;- мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилиш;- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш;- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган стратегияларни режалаштириш;- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида фаолият кўрсатиш ва улар фаолиятининг ҳалқаро ҳамда миллий талабларида мос келиши борасида жараёнларни назорат қилиш;- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасининг ҳалқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш;- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самарадорлигини

		<p>оширишнинг ички имкониятларини қидириб топиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси фаолиятини бошқаришнинг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш; - бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва улар билан боғлиқ рискларни бошқаришда замонавий методларни қўллаш; - бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ҳужжатларни миллий ва халқаро стандартлар асосида расмийлаштириш ва умумлаштириш, молиявий ҳисботларни шакллантириш ҳамда расмийлаштиришда замонавий методларни қўллаш; - бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси фаолиятини молиявий ҳисботларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, таҳлил қилиш ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида текширишни амалга ошириш; - аудит рискларини баҳолашда молиявий ҳисбот маълумотларидан фойдаланиш; - бажарилётган тадқиқотлар мавзуси бўйича бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш.
--	--	---

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси
Кенгаш Раиси Н.Ф.Каримов



(имзо) (Ф.И.О.)



(имзо) (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар
Миллий ассоциацияси Кенгаш Раиси М.М.Тулаходжаева

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

• 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқиша кўйидаги меъёрий-хукукий хужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги З-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишида бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамоийлари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим оловчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўкув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим оловчиларнинг кобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим оловчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-коидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишида мухим аҳамият касб этди

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёrlари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиклари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти
“Бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси мудири



и.ф.д., проф. А.А.Каримов